Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 24 (8. 453) ◆ 1994 йил 22 февраль, сешанба ◆ Сотувда эркин нархда

ҚАРДОШЛИКНИНГ АСРИЙ РИШТАСИ

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Турли миллат вакилларини ташқи қиёфасидан кимлигини билиб олса бўлар-у лекин ўзбек билан тожикни бир қарашда ажратиш мушкул — чеҳралар, исм-шарифлар, одат ва таомиллар, қўшиғу рақслар шу қадар ўхшаш, уйғун.

Минг йиллардан буён бир заминда ёнма-ён, елкама-елка яшаб келаётган ўзбек билан тожик шўро истибдодини бошдан бирдек кечирди ва баб-баравар мустақилликка эришди. Тожикистон Республикаси мустақиллигининг оғир кечган дастлабки йилларида халқларимизнинг дили дилига пайванд экани яна бир бор исботланди.

Таассуфки, Тожикистондаги биродаркушлик кўп фожиаларга сабаб бўлди. Минглаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Шаҳар ва қишлоқлардаги вайронагарчиликлар оқибатида кўплаб оилалар бошпанасиз қолди. «Қўшнинг тинч — сен тинч», дейдилар. Уйингизда осойишталик бўлса-ю теварак — атрофда турли низо ва жанжаллар таҳлика солиб турса, хотиржам яшаб бўладими? Ахир, халқларимизни қондошлик, дўстлик ва ҳамкорликнинг асрий ришталари боғлаб туради-да. Тожикистоннинг оғир дамларида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг азал-азалдан бир дуторнинг икки тори бўлиб келган биродарларимизга чинакам ҳамдардлик, саховатпешалик қилгани эътиборга лойиқдир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ қисқа муддатда қардош республика аҳолиси учун 400 тонна ун, 10 тоннадан кўп гуруч, макарон маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи, 5 тонна шакар, кўплаб дори-дармон, кўрпа-тўшак, болалар кийимлари ва пойабзаллари, чодирлар жўнатиш белгиланди. Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Ғолий жаноблари ва йўллаган номасида ҳам, БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида қилган маърузасида ҳам жаҳон жамоатчилигини жафокаш тожик халқи дардини енгиллатишга, Тожикистон тупроғида осойишта ҳаёт қарор топиши учун ёрдам беришга чақирди. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши, қолаверса, жабрдийда халқнинг талаб ва илтимосларига кўра, ҳамдўстликдаги бир неча мамлакат бу ҳудудда тинчлик ўрнатишга кўмаклаша бошлади. Урушдан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Тожикистонда аҳволни шошилинч равишда муҳокама қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Алматига йиғилган давлат бошлиқларининг учрашуви, айниқса, самарали бўлди. Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан ўтказилган бу учрашувда биродаркушлик урушини тўхтатиш юзасидан бир қанча масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ва Россия Федерацияси Тожикистондаги аҳвол тўғрисида қўшма баёнот қабул қилди. Унда тожик халқи қадимий ўлкада тинчлик ва осойишталикни тиклаш учун куч топишига ишонч билдирилди.

Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир, деб билдирилган ишончни оқлади.

Ҳозир республикада вазият секин-аста изга тушмоқда. Шундай оғир даврда ҳам бир қанча вилоятларда пахта, ғалла, сабзавот етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришилди. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган хом ашёнинг кўплаб турларини шу ернинг ўзида қайта ишлаш учун туманларда кичик-кичик саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Пахта заводлари, пахта қабул қилиш пунктлари, тегирмон, мойжувоз, гилам тўқиш, кўнчилик, кулолчилик ва тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Шаҳарларда эса корхоналар акционерлик жамиятларига айлантирилмоқда, комбинатлар чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланмоқда.

Тожикистон халқаро ҳаётда ҳам муносиб ўринни эгалламоқда. Республика Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро валюта фонди сингари жаҳоннинг нуфузли ҳамжамиятларига аъзо бўлди. Тожикистон Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмонов хорижга кетиб қолган барча фуқароларга она Ватанга қайтишлари ҳақида мурожаат қилиб, бундай деди: «Республикага сизнинг билимингиз ва тажрибангиз керак...».

Осойишта ва бадавлат яшашнинг манбаи, калити меҳнатда, иноқликда, дейдилар. Тожикистонда фаровон турмуш учун тинч меҳнат палласи боғланаётгани чин бўлсин.

(ЎзА).

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ

Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатдаги ўсмирлардан маълум бир қисмининг саломатлигида салбий ўзгаришлар бор, бир қисми эса сурункали касалликларга чалинган. Кўриладиган чора-тадбирларга қарамай, оналар ва болалар ўлими ҳамон кўп. Экология вазияти ёмонлашаётган шароитдаги ташвишли нуфус вазияти ёш авлодни соғломлаштиришнинг махсус давлат дастурини ишлаб чиқишни ва уни давлат ҳамда жамоат тузилмалари билан биргаликда амалга оширишни тақозо этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати ва ҳукуматга тааллуқли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг кенгайтирилган мажлисида шу ҳақда гапирилди. Улар Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида»ги қарорини биргаликда амалга оширмоқда. Мажлисда вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, тиббий олий ўқув юртлари ва муассасаларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқарувининг раиси Г. Йўлдошева сўзга чиқдилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳозирги пайтда тиббиётнинг энг муҳим соҳаси бўлиб, бу хусусда Ўзбекистон ҳукумати алоҳида ғамхўрлик қилаётгани таъкидланди. Республикани юксалтириш тадбирларида соғлом, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа деб белгиланган. «Соғлом авлод учун» нишонининг таъсис этилиши бунинг далилидир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда оналар ва болалар саломатлигини сақлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бу қарорни республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси биргаликда амалга оширмоқда.

Улар аёлларни соғломлаштириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва туғма касалликларнинг олдини олиш юзасидан кенг кўламли ишларни бажаришмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси бу дастурга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистонда ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида жамғарманинг маҳаллий бўлимлари ташкил этилган. Вакциналар, дори-дармонлар, она ва бола гигиена воситалари харид қилиш учун жамғармага валюта ажратилган.

Бироқ, ижобий ўзгаришларга қарамай, соғлиқни сақлаш муассасалари ва жамғарма ташкилотлари фаолиятида давлат аҳамиятига молик бу муҳим вазифани амалга оширишда камчиликлар оз эмас. Шифохоналарнинг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Аёллар касалланиши кўрсаткичлари жуда секинлик билан камайиб бормоқда.

Мажлис қатнашчилари ёш авлодни соғломлаштириш дастурида кўзда тутилган энг муҳим масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни биринчи навбатда ривожлантириш, болалар касалхоналари ва туғуруқхоналарни асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар билан тезроқ таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Ҳайъат ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

* Республикамизда

⊙ Тошкентда Ўзбекистон ва Германия олимлари ва мутахассислари иштирокида валюта ислоҳоти муаммоларига бағишланган халқаро семинар иш бошлади. У 4 мартгача давом этади.

⊙ Оролбўйи аҳолисига Германия ва Швейцариядан 1 миллион немис маркаси ва швейцар франки миқдорида жуда тақчил дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган нинадорилар, тиббиёт ускуналари етказиб берилди.

⊙ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таниқли япон иқтисодчи олими Наоки Танака республика ижтимоий таъминот вазирлигида, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, ижтимоий ҳимоя муаммоларини ўрганиш бўйича марказда бўлди.

⊙ Юртимизга жаноб Грэм Жастис бошчилигида Халқаро валюта фонди вакиллари келдилар. Улар икки ҳафта давомида бу фонд тавсияларини бажариш юзасидан республикада кўрилаётган амалий чоралар билан танишадилар.

* Ҳамдўстликда

⊙ Бугун Беларусь Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Унда бу мамлакатда Президент лавозимини жорий этиш масаласини муҳокама этиш мўлжалланган.

⊙ Бугундан бошлаб Туркманистон Вазирлар маҳкамасининг қарорига мувофиқ Украинага табиий газ етказиб бериш тўхтатилди. Бу Украинанинг Туркманистонга икки йил давомида етказиб берилган газ учун 690 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги қарзини мунтазам равишда ҳар ўн кунда тўлаб туриш тўғрисидаги аҳдлашув бажарилмаганлиги сабабли қилинди. Украина учун йилига зарур бўлган 30 миллиард куб метр табиий газнинг 28 миллиард куб метри Туркманистондан олинади.

⊙ Шу якшанба куни Молдовада парламентга муддатидан илгари сайловлар бўлиб ўтади. Парламент сайловида 13 сиёсий партия ҳамда 19 та мустақил номзод иштирок этяпти.

⊙ Машҳур қримлик миллиардер Сергей Шурига ўз ваъдасининг устидан чиқиб, Қримнинг биринчи президенти этиб сайланган Юрий Мешковга «Линкольн» ғоят ҳашаматли автомобилини совға қилди. Юрий Мешков эса бу автомобилни кимошди савдосига қўйиб, ундан тушган пулга Қримда экин-тикинни ўтказиш учун ёнилғи сотиб олиш ниятидадир.

* Хорижда

⊙ Бугун Озарбайжон Президенти Гейдар Алиевнинг Буюк Британияга тўрт кунлик расмий ташрифи бошланди.

⊙ Америка Қўшма Штатларидан сиёсий бошпана сўрамоқчи бўлганлар эндиликда шу ҳақда ариза бериш учун 130 доллар тўлашлари керак бўлади. Айни пайтда бундай кимсалар ишга жойлашиш учун ярим йил кутишларига ҳам тўғри келади.

⊙ Ҳиндистон билан Россия томонлари имзолаган аҳдлашувга кўра Россия Жанубий Ҳиндистонда қуввати 2 минг меговатт бўлган ядровий электр станция қуриб берадиган бўлди.

⊙ Бош вазир, Афғонистон ислом партиясининг етакчиси Гулбиддин Ҳикматиёр тарафдорлари Қобул қамалини давом эттириш ниятида эканликларини баён қилдилар. Бу муҳолифатчи кучлар Президент Бурҳониддин Раббоний зудлик билан истеъфога чиқишини талаб этмоқдалар.

⊙ Бугун Женевада Абхазиядаги аҳволни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан Грузия—Абхазия музокараларининг учинчи босқичи бошланади.

⊙ Босниядаги вазият бугун Боннда АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари иштирокидаги кенгашда муҳокама этилади.

Бугунги кун нафаси — * Бугунги кун нафаси — * Бугунги кун нафаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон халқлари муқаддас Рамазон ойи кириб келганлигини нишонлаётган дамларда Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрлигимни билдирган ҳолда, Оллоҳ таолодан барчамизга муваффақият, қардош халқларимизга яхшилик, кучқувват ато этишини сўрайман.

Зейн ал-Обидин Бин Али,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳазрати Исо Масиҳнинг мавлуд кунлари ҳамда Янги йил муносабати билан Сизга энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Лех ВАЛЕНСА,
Польша Президенти.

«Истиқлол» нашриёт маркази

Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма қошида (Навоий кўчаси, 30-уй) «Истиқлол» нашриёт маркази ташкил этилди. Нашриёт маркази барча соҳалардаги адабиёт намуналарини нашрга тайёрлаб, тез ва сифатли босмадан чиқаради. Муаллифлар ўз ҳисобларидан ёки ҳомийлар ёрдамида асарларини чоп эттиришлари мумкин. Бундан ташқари турли-туман қимматбаҳо қоғозлар, этикеткалар, нархномалар, иш қоғозларига эҳтиёжи бор бўлган корхоналар, идоралар ва ташкилотлар ҳам нашриёт марказига мурожаат этишлари мумкин.

Савдога чиқарилди

Йўлдош Охунбобоев номидаги бош кийимлар фабрикаси конструкторлари томонидан яратилган янги модель тасдиқланди. У болалар учун мўлжалланган куртка-шимли комплектдир. Маҳсулотнинг дастлабки туркуми сотувга чиқарила бошланди.

Ҳозирги қийинчиликларга қарамай фабрика ишни меъёрида ташкил этиб, ўз фаолиятини кўплаб янги буюмлар тикиб чиқаришга қаратмоқда. Масалан яқинда бу ерда паҳмоқ матодан болалар кўйлакларини тикиш йўлга қўйилганлиги фикримизнинг далилидир.

Ишчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли ўтган ойда режадаги 103 минг дона ўрнига 110 минг дона бош кийимлари ишлаб чиқарилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ХОРИЖДАН БУЮРТМАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик билан иш тутишга ҳаракат қилмоқда. Ишчи ва хизматчилар бу борада асосан халқ истеъмоли буюмларига эътиборни кўпроқ қаратишмоқда. Масалан, корхона ўтган йили 3 миллиард сўмликдан зиёд ана шундай кундалик харид моллариини ишлаб чиқарди. Электр ва механик усулда ишлайдиган гўшт майдалагич, қозон, гантел, гир, нон пиширгич қолипи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яқинда бирлашма республикамизда жойлашган нон заводлари учун ҳамир қорадиган машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ишчилар ўтган йили ана шундай машиналарнинг 50 тасини ишлаб чиқаришди. Ҳозирча бу машиналарга яна юзта буюртма бор. Айни пайтда бу ускуналарга бошқа давлатлардан ҳам буюртмалар тушяпти. Бирлашма ишчилари бу буюртмаларни ўз вақтида бажаришни олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Гулом ЮСУПОВ.

Меҳнат шартномаси асосида

«Юлдуз» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1993 йил жамоат шартномасининг якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда 1994 йил жамоат шартномасини қабул қилиш, бирлашма ишчи-хизматчиларининг меҳнат, иш вақти ва ижтимоий кафолатлар соҳаси бўйича корхона касаба уюшмасининг амалга оширган ишлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, корхонанинг энг илғор ишчиларидан 35 нафарига янги уй-жой учун ордерлар топширилди. Жамоатчилик шартномасига кўра 1994 йилдан бошлаб, ишчи-хизматчилар бир йилда 18 кун ўрнига 24 кунлик дам олиш имкониятига эга бўлдилар.

Марзия ИБОДУЛЛОҲ.

Ишчилар уйли бўлишди

ЯҚИНДА «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари қурувчилардан совға олишди. Пойтахтнинг Миробод туманида улар учун беш қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Умумий сатҳи 2430 квадрат метрни ташкил этган уйда қурилиш ишларини Тошкент давлат ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли 4-трест бунёдкорлари амалга оширишди. Иморатни пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги трестнинг 12-қурилиш бошқармаси азаматлари бажаришди.

Айни пайтда 60 хонадонга мўлжалланган уйга корхона ишчилари кўчиб киришмоқда.

Ғани ЕСЕНОВ.

ИККИЮЗИНЧИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасан Юнусов Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида кўплаб эсда қоладиган образлар туркумини яратган санъаткорлардан. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ҳасан элликбоши, У. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» асаридаги Мирбилол, Софоклнинг «Шоҳ Эдип» фожиасида чўпон Лай, В. Шекспирнинг «Отелло» асарида Кассио, Гоголнинг «Ревизор»идаги Бобчинский, О. Еқубовнинг «Улуғбек хазинаси»даги Носирхўжа ҳожи ва бошқа роллари ана шулар жумласидан.

Ҳасан Юнусов яқинда театрда саҳналаштирилган «Амир Темур» спектаклида Жалоир ролини ижро этди. Бу унинг ўзбек саҳнаси, кино ва телевиденеда яратган 200-ролидир. Ҳозир севимли санъаткор Ҳ. Юнусов Ҳамза театрида ўзининг 56-мавсумида фаолият кўрсатмоқда.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ.

* Ўзбекистон ва жаҳон

Инглиз тилида дарсликлар

Буюк Британиянинг маданий ҳамкорлик ишлари билан шуғулланувчи кенгаши Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан эътиборга молик тадбирларни амалга оширишга киришди. Инглиз тилини ўқитиш бўйича ўрта мактаб ва олий ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари тизимини яратиш шулар жумласидандир. Бу мажмуавий режани амалга ошириш мақсадида яқинда Буюк Британиядан бир гуруҳ етакчи мутахассислар Ўзбекистонга келдилар.

Шу сафар чоғида улар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим ҳамда республика халқ таълими вазирликлари билан бир неча ҳужжатларни имзоладилар. Инглиз тилидан дарслик ва қўлланмалар яратиш билан бирга таълим тизимлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилди. Шимолий Ирландия халқ таълими ходимларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан муносабатлари ҳам қарор топади. Бундай ўзаро алоқалар Британия кенгашининг Анқарадаги идораси орқали ҳам амалга оширилади.

Алишер ОРИПОВ.

Lillehammer'94

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

⊙ Фристайл акробатикаси (могул) бўйича баҳсларда иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Лариса Удодова 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари орасида 21-ўринни эгаллади.

⊙ Ўзбекистонлик муз устида фигурали учиш усталари Алика Стертнаду ва Юрис Разгуляевлар мажбурий машқлардан кейин 12-ўринни эгаллаб туришибди.

⊙ Россиялик чанғичилар Любовь Егорова, Елена Вяльбе, Лариса Лазутина ва Нина Гаврилюк 4х5 километрлик эстафета пойгасида ғолиб чиқдилар. Л. Егорова эса ушбу олимпиаданинг олти карра чемпиони бўлди.

⊙ Сергей Тарасов (Россия) биатлончиларнинг 20 километрлик масофани ўз ичига олган яккакурашида олимпиада чемпиони бўлди.

⊙ Норвегиялик олимпиада қаҳрамони Йохан Олаф Косс навбатдаги йирик ғалабани қўлга киритди. У 10 километрлик масофани маҳорат билан ўтиб учинчи олтин медални эгаллади.

⊙ Яна бир норвегиялик спортчи, чанғичи Бьерн Дэли 15 километрлик пойгада биринчи бўлиб ўз жамоасига иккинчи олтин медални келтирди.

⊙ Бугунга келиб Россия олимпиадачилари жамғармасида 19 та (9 та олтин, 7 та кумуш, 3 та бронза) медаль бор. Президент Борис Ельцин Россия олимпия комитети Президенти Виталий Смирновга телефон орқали қўнғироқ қилиб, эришаётган юксак натижалар билан қутлади. Ҳозирча умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда олимпиада мезбонлари — норвегияликлар боришяпти. Улар ҳисобида 16 та медаль, шу жумладан 8 та олтин медаль бор.

ЎЗИЮРАР ЙЎЛКАЛАР

Тошкент метрополитени янги йўналишлари учун Санкт-Петербург шаҳридаги Котлеков номли корхона ишлаб чиқараётган «ЛТ—5», «ЭТ—5М» эскалаторларидан бир нечтасини олиб келиш режалаштирилди. Уларнинг техник эҳтиёт қисмлари учун эса Москва ва Боку шаҳарлар корхоналарига буюртмалар берилди.

Метронинг шу кунларда бунёд этилаётган Юнусобод йўли бекатларига ҳам шу хилдаги ноёб техникалар ўрнатилади. Бу ерда «ЭТ—5М» типидаги эскалаторлардан 14 тасидан фойдаланилади. Мазкур йўналишдаги метро бекатлари битиши билан уларга кўзда тутилган мана шу техника қурилмалари ўрнатиладиган бўлди.

Воҳид ВАЛИЕВ.

ОНЛАВИЙ КЎРГАЗМА

Максим Горький номли Рус драма театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Том» номли янги спектаклни томоша қилиш учун келган санъатсеварлар диққатини театр фойесида ташкил этилган ижодий кўргазма жалб этди. Унда рассом Владислав Харитонов, унинг турмуш ўртоғи Луиза, қизи Ольга, набираси Катялар ижодига мансуб асарлар намойиш этиляпти. Онланинг катта авлод вакиллари ижодида кулолчилик, ҳайкалтарошлик орқали истеъдодини намойиш этишга интилиш кўпроқ сезилади. Кўргазма томошабинларда катта таассурот қолдирди. Буни мулоҳазалар дафтарига битилган дил сўзлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли «Ҳилол» ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги қошидаги «Илм» ўқув ишлаб чиқариш концерни билан ҳамкорликда иш олиб боради. Номи икки хил, аммо мақсади бир хил бўлган бу жамоани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Аҳмаджон Азимов бошқаради. Биз Аҳмаджон ака билан суҳбатлашганимизда у киши қуйидагиларни гапириб берди:

— Касбим маорифчи бўлсада, кўплаб бекор юрган болаларни кўриб, уларни иш билан таъминлаш мақсадида тадбиркорликни ривожлантиришга бел боғладим. Ўтган уч йил мобайнида қанчадан-қанча мактаб ўқувчилари иш билан таъминланиб, ҳунар ўрганишди. Айниқса интернатларда ва махсус билим юртларида билим олаётган болалар бирлашмамизга фаол қатнашяпти.

Хуллас, жамоамиз томонидан тўқилаётган болалар кийимлари, ҳар хил ёшга мўлжаллаб тикилган эркак ва аёллар кўйлаги ва пойабзаллар шаҳримиздаги махсус учта дўконимизда сотилади. «Ёш ишчилар»нинг меҳнатлари эвазига ўтган йилда 500 миллиондан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик. Шунингдек хом ашё таъминоти янада такомиллашишини назарда тутиб Минск ва Москва шаҳарларида ҳам биттадан савдо дўконларини очдик.

«Илм» ўқув ишлаб чиқариш концернининг тармоғи ҳам республикамиз бўйлаб кенг ёйилмоқда. Айни вақтда Жиззахда, Тошкент вилоятида ва Хива шаҳрида гилам тўқиш бўйича қилинадиган ишларга айнан ўқувчи-ёшлар таклиф этилмоқда. Шу кунларда эса Бухородаги бўлинмамиз ҳам иш бошлади.

** Тадбиркорлик — бозор талаби*

ҲУНАРДАН — УНАР

«Илм» ҳам, «Ҳилол» ҳам кўпроқ эътиборни ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларига қаратишмоқда. Чунки шу даврда ҳали мактабни тугатмаган ўсмир бироз пул ишлаш билан бюджетига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлади. Шундай вақтда улар бизнинг ишлаб чиқариш бирлашмамиздан кўмак топадилар.

Олинаётган даромадга қараб аълочи ўқувчиларга стипендиялар ажратмоқдамиз. Ишлаб чиқаришда яхши меҳнат қилган ва сифатли маҳсулот тикиб чиқарган ўқувчиларни рағбатлантириш учун ҳам қўшимча маблағ ажратилмоқда.

Амалга ошираётган ишларимизнинг яна бири тажриба алмашишдир. Бу борада анча нуфузли ишларга қўл урдик. Масалан ўқувчилар мураббийлари билан биргаликда хорижий давлатлар билан танишиб келиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шу кунларда 30 нафар ўқувчи Бирлашган Араб Амирлиги давлатига жўнашга ҳозирлик кўрмоқда. Уларнинг йўл ҳаражатлари бирлашма маблағи ҳисобидан бўлади.

— Иқтисодий қийинчилик айниқса ҳозирги хом ашё етишмаётган даврда таъминотдан қийналмаяпсизларми?

— Бизни хом ашё билан асосан давлат таъминлайди. Қолаверса, «изланган имкон топади» дейдилар. Тиниб-тинчимаган юздан ортиқ тадбиркорларимиз бу борада самарали ишлашмоқда. Аввалги «Виктория» деб номланган корхонамиз Ҳиндистон билан ҳамкорликда иш юритар эди. У ҳозир ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Эндиликда у фақат Ҳиндистон билан эмас, балки Америкадаги тадбиркорлар билан ҳам муомалада бўлмоқда.

Умуман олганда ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Шулардан бири ўз жамғармамиз ҳисобида маблағ ажратиб кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болалари учун махсус мактаб-интернат биносини қуришдир. Бино қурилиши ҳам ёзга чиқиб бошланади.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.

«ЮЛДУЗ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-цехида меҳнат қилаётган ишчиларнинг самарали меҳнатлари эвазига корхона маҳсулотлари жаҳон бозори юзини кўрмоқда. Мана шу цех фидойиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли корхона маҳсулоти Америка ва Туркия давлатлари томон йўл олганлигини қувонч билан таъкидлаш мумкин. Яқинда жамоа ҳаётида яна бир воқеа рўй берганини мамнуният билан таъкидлаш мумкин. Гап шундаки, ушбу цехга маъмуриятнинг сертификати топширилди. Бу қандай ҳужжат. Саволларимизга бригада бошлиғи Махтума Аҳмедова шундай жавоб қилди:

— Аввало ишчиларимизнинг тўлиқ иш билан таъминланишида корхонамиз мутасаддиларининг саъй-ҳаракатларини таъкидлаш зарур. Улар бизни хом ашё билан етарли таъминлаб туришибди. Энди сертификат ҳақида гапирадиган бўлсам, бу ҳужжат сифатга кафолат беради. Айни пайтда маҳсулотни чет элга чиқариш учун рухсатнома вазифасини ўтайди. Унинг зарурияти шундаки, агар хориждан бирор тадбиркор келиб маҳсулотингизни кўрмоқчи бўлса, энг аввало мана шу сертификат билан қизиқади, сўнгра моллар билан танишади. Бундай ишонч ёрлиғини олиш учун эса ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳар томонлама мукаммал, олий сифатли бўлиши шарт.

** Меҳнат жамоаларида*

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ

Цехимизда 100 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирининг қўлида етук мутахассис эканлиги ҳақидаги ҳужжатлари бор. Ишчиларимизнинг юқори малакалари ва ўз ишининг моҳир усталари бўлганлиги учун ҳам 100 фоиз маҳсулотимиз назоратдан эътирозсиз ўтмоқда. Корхонамиз конструкторлари томонидан яратилган маҳсулотларнинг дастлабки намунаси ҳам бизнинг цехда тикиб чиқарилади ва синаб кўрилади.

Фидойилик билан қилинган меҳнат эвазига ўтган ой режаларини ошириб адо этдик. Ҳозирги шароитда бундай кўрсаткичга эришишнинг ўзи бўлмайди. Шунга яраша ойлик маошимиз ўртача 210 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шу ўринда хўш сертификатнинг жамоага қандай фойдаси бор, деган савол туғилиши мумкин. У аввало зиммамизга масъулият юклайди, қолаверса маошимизга 25 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

Корхонамизда уч ойдан буён иш жойининг саранжом-саришталиги, дастгоҳларга бўлган эътибор ва бошқа озодаликка оид кўрик бўлиб ўтаётган эди. Ишчиларнинг тиришқоқлиги туфайли бу кўрикда ҳам ғолиб чиқдик. Мақсадимиз — «Юлдуз» тамғаси туширилган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан нуфузли жой олиши.

Гулзода МАМБЕТОВА.



Ҳозирги кунда пойтахтдаги 2-дон маҳсулотлари корхонаси ҳар ойда ўрта ҳисобда 11 минг 28 тонна ун тайёрламоқда. Корхонани янги техника билан таъминлаш юқоридаги кўрсаткичларга эришишда қўл келмоқда.

СУРАТДА: корхона цехларидан. бирининг бошлиғи Мурод Камолбеков ҳамда бригадир Шукуржон Беримов автомат усулда бошқариш бўлимида.

Козим Улмасов суратн.

« Бу ерда одамлар шундай тез камолга етадилар. Ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб парашютда 1000 метр баландликдаги осмону фалакдан ерга сакраган жасоратли Башорат Мирбобоевадир... Бу улуғ инқилобий воқеадир».

(Юлиус Фучиктинг «Озод ўзбек аёли» очеркидан. «Руде право» газетаси, 1935 йил, 3 ноябрь).

«Осмонда ҳам, ерда ҳам биринчи қалдирғоч — жасоратли ўзбек қизи Башорат Мирбобоевадир».

(«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1941 йил, 30 сентябрь).

** Жасоратнома*

ҲАР СОҲАДА БИРИНЧИ БАШОРАТ

Улуғ Ватан уруши жанг-ғоҳлари Ўзбекистондан юзлаб чақирим олис масофада бўлса ҳам садоқат, дўстлик ришталари бу масофани жуда ҳам яқин қилиб қўйган эди. Ватан урушининг дастлабки ойларидан то сўнгги кунига қадар республикамиз меҳнаткашлари фронтдаги жангчиларимиз билан яқин алоқа боғлаган эдилар. Юртдошларимиз жангчиларимизга атаб махсус делегациялар билан уруш даврида фронтга 500 вагондан зиёд совғасалом юбордилар. Делегация аъзоларининг ҳаракатдаги армия жангчилари, командирлари билан бўлган бевосита мулоқотлари жуда катта моддий, маънавий, сиёсий аҳамиятга эга бўлган.

Ана шундай делегацияларнинг дастлабкиси 1941 йилнинг декабрида, Янги йил арафасида Ғарбий фронтга борган эди. Делегацияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси Йўлдош Охунбобоев раҳбарлик қилди. Совға-салом ортилган поезд эшелонини эса Тошкентдан Москвага ўзбек хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб паровоз машинисти касбини эгаллаган Башорат Мирбобоева бошқариб борган эди. Улуғ Ватан уруши йиллари аёллардан иборат машинистлар бригадасига етакчилик қилган, фронт буюртмаларини уззукун манзилга тўхтовсиз етказиб турган, фидокорона хизматлари эвазига уч марта «Шаҳватли меҳнати учун» юксак нишонига сазовор бўлган, ҳозирги кунда, фарзандлари ардоғида кексалик гаштини суриб, ҳамон ёшларга мураббийлик қилаётган Башорат ая ўша унутилмас сафар таассуротларини шундай ҳикоя қилиб бердилар:

— «Уруш... 1941 йил. Мен ҳам фронтга бораман деб ариза бердим. Аммо, «ҳозирча сен шу ерда зарурсан» деб юборишмади. 19 декабрь эрталаб сафардан келиб, примусни ёқиб, энди юз-қўлимни юваман деб турсам, ҳовлиқиб келган хабарчи:

— Мирбобоева, Мирбобоева! Тез бўл, фронтга кетарканса, деб қолди.

Мен, «Аризамни қабул қилишибди-да, бронепоездимни ўзим бошқариб бораман», деб ўйладим. Дарров кийиниб айтилган жойга келдим. Бу ерда Янгийўл туманидаги илғор колхоз раиси Абдулла ака Ортиқов, таниқли мураббий Ҳасан ота Исломов, Марказқўм котиби Усмон Юсупов ва бошқалар суҳбатлашиб ўтиришган экан. Саломлашганимиздан сўнг Усмон ота:

— Қизим фронтга кетасиз, — дедилар елкамга қоқиб.

Кейин билсам, Усмон ота ташаббуси билан ўзбекистонликлар Москвани ҳимоя қилаётган жангчиларга Янги йил совғасини тайёрлашган экан. Бутун вилоятлардан йиғилган озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечаклар 52 вагон бўлди. Оқсоқолимиз Йўлдош Охунбобоев делегациямизга бош бўлдилар. Шундай қилиб биз йўлга тушдик. Мен билан ёнимда кекса машинист Пустабаев ҳам бор эди. Мен ўшанда Тошкентдан 1894 рақамли паровозимни бошқариб кетиш шарафига муяссар бўлдим. Бизни фронтга кузатаётганда Усмон Юсуповнинг Йўлдош отага, делегациямиз аъзоларига айтган гаплари ҳали-ҳали қулоғимдан нари кетмайди.

— Бош штабга, ҳамма жангчиларимизга шуни айтингки, ўзбекнинг бошида дўпписи, белида белбоғи бор, мард халқ. Сиз бизни немис босқинчиларидан мардона ҳимоя қилинг, уларни битта ҳам қўймай Ватанимиз чегараларидан қувиб чиқаринг. Биз ичкарида туриб, жонимизни аямасдан астойдил меҳнат қилиб, сизларга мадад берамиз. Совғамизни Янги йил саломи деб тақдим этинглар! Ҳамма ларига алангали саломимизни етказинглар! Биз Ғалаба учун нима керак бўлса хизматга тайёрмиз!

Вагонларга «Москвага» деб ёзилган эшелон Қозоғистон ва Россиянинг беполён кенгликлари оша фронт томон ошиқиб борар экан ўзидан олдинга фақат танк ва аскарлар олиб кетаётган эшелонларнигина ўтказиб юборарди. Чунки «Москва» сўзи йўлда улар учун ишончли ёрлиқ эди. Бир ҳафта деганда эшелонимиз Москва остоналарига кириб борди. Йўлда бизни учта душман самолёти бомбардимон қилди. Тўртта вагонда фақат ҳўл мева — қип-қизил олмалар ортилган экан. Бомба тушиб ҳаммаёққа анор доналаридек сочилиб кетган олмалар бир зумда музлаб, тощдек қотиб қолди денг! 56 даража совуқ эдида ўзи ҳам. Самолёт олдинга учганда биз орқага тисланамиз, орқага учса, олдинга юрамиз. Состав оғир. Хуллас, не-не қийинчиликлар билан охирги бекатга етиб келдик. Ҳаммаёқни қуюқ туман қоплаган.

Москва шаҳри ўша кунларда оғир, басавлат, янада қудратлироқ кўринарди киши кўзига. У душманга нафрат қиличини яланғочлаб, жанговар постда ҳушёр турган посбонга ўхшарди гўё. Унинг ҳар бир биноси, кўчаси, ҳатто осмони ҳам устига шинель кийиб, қўлига қурол олиб фронтга хизмат қилаётган мардонавор жангчини эслатарди.

— Москвада бизни машҳур саркарда Георгий Константинович Жуков қабул қилдилар, — дея ҳикоясини давом эттирди Башорат ая, — ундан кейин бизни Бош штабга, Олий Бош Қўмондон ҳузурига олиб боришди.

Йўлдош ота дедилар:

— Биз ўзбек халқининг Москва ҳимоячиларига йўллаган Янги йил совға-саломларини олиб келдик.

Бош Қўмондон хурсанд бўлиб:

— Сиз мамлакат ичкарисидан ҳол-аҳвол сўраб, Москвага совға-салом келтирган энг биринчи делегациясиз. Сизларга, ўзбек халқига катта раҳмат! Янги йил совғангиз Москва ҳимоячиларига айни вақтида келиб, уларни бениҳоя хурсанд қилади. Ғалабага руҳлантиради, — дедилар.

Делегация аъзолари икки гуруҳга бўлиниб, олти кун давомида фронтнинг олдинги марраларида, госпиталларда бўлиб, жангчиларга келтирган совға-саломларини улашишди, халқимизнинг саломини етказиб, мамлакат ичкарисида ҳамма-ҳамманинг фикри-зикри уларда эканлигини айтишди.

Ўшанда Йўлдош ота генерал-лейтенант Л. А. Говоров қисмига, мен, Ҳасан ота Исломов, Абдулла ота Ортиқов генерал-лейтенант К. К. Рокоссовский қисмига бордик. Волоколамск шоҳ йўли билан Истра шаҳрига бордим. Йўл четида фашистларнинг тарашадек қотган мурдалари, абжағи чиққан танк, тўплари, автомобиллари думалаб ётарди. Биз озод қилинган қишлоқлардан ўтиб борардик. Уй-жойлар вайрон, ҳеч нарса бутун қолмаган. Бир ҳаробага айланган уйнинг эшиги кесакисига суяниб турган сочлари оппоқ кампирга кўзимиз тушиб, унинг олдида тўхтадик. Этлари суягига ёпишган, сўзлашга мажоли йўқ, елкалари тушиб кетган. Юз-кўзи ниҳоятда сўлғин, ифодасиз эди. Билсак, у бутун бир қишлоқдан омон қолган ёлғиз жон экан. У атиги эндигина 18 баҳорни қаршилаган қиз бола эканлигини билиб ҳанг-манг бўлиб қолдик. Бир кеча ичида кули кўкка совурилган қишлоқ аҳлининг мотами, фашистларнинг ёвузликлари ёшгина қизни мункиллаган кампирга айлантирибди. «Юринг, биз билан бирга кетинг», десак сира унамади.

Биз Москвадан 25—30 чақирим наридаги генерал-лейтенант К. К. Рокоссовский қисми жангчилари билан бирга янги — 1942 йилни кутиб олдик. Окопмаокоп юриб, ўз қўлим билан жангчиларга совғалар улашганим кечагидек ёдимда. Янги йил кечасида генерал-лейтенант Рокоссовский ўзбек халқи шарафига тўп садолари остида илиқ гаплар айтиб, қадаҳ кўтарди:

«Биз турган ер билан Ўзбекистон ўртасида минглаб чақирим масофа бор. Аммо шундай бўлса ҳам биз Сиз азиз ўзбекистонлик дўст-бародарларимизнинг ғамхўрлиги, меҳрибончилигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Бу биз учун ниҳоятда қадрли бўлиб, ёвуз душман устидан ғалаба қозонишга ундайди».

Ўз жавоб нутқларида Ҳасан ота Исломов бундай дедилар:

— «Ватан учун кураш катта шарафдир. Ўртоқ жангчилар! Немис-фашист газандаларини аёвсиз қирингиз. Душманни тор-мор келтириш учун Ўзбекистон ҳамма ёрдамини беради».

Фронтдан қайтиб келганимиздан кейин республикамиз бўйлаб у ерда кўрганкечирганларимизни халқимизга айтиб, жангчиларимизнинг хатларини эгаларига топширдик. Ана ўшанда албатта ғалаба қозонишимизга астойдил ишонганман. Дарҳақиқат биз Ғалаба қозондик.

Ғалабага муносиб ҳисса қўшган, бундан деярли 60 йил муқаддам ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб парашютдан сакраган, паровоз ҳайдаган жасоратли Башорат ая билан халқимиз фахрланади.

Искандар РАҲМОН.

СУРАТДА: аёллар орасида биринчи ўзбек машинисти Башорат Мирбобоева.

Агар бу бир-икки кунлик синоат бўлганида балки ёзиб ўтирмасдик. Чунки ҳозирги бозор иқтисоднёти туғдираётган тақчиллиги, камчиликларни енгиш ҳар кимга ҳам осон бўлмаяпти. Албатта бундай автобус корхоналари ҳам мустасно эмас. Лекин биз тилга олмоқчи бўлган мавзу кундалик машмашага айланиб, одатий ҳолга кириб қолаётганлиги кишини ташвишлантиради.

91-сонли автобус Юнусободнинг 15-даҳаси ва Чорсу йўналишида қатнайди.

У шаҳарнинг анчагина марказий қисмини босиб ўтади. Шуни ҳисобга олиб, бу йўлга 12 та «Икарус» автобуси (дастлаб 16 та эди) биркитиб қўйилган. Ораликдаги кутиш вақти эса олти-етти дақиқани ташкил этади. Олдинлари йўналиш хизматидан аҳоли мамнун эди. Сабаби машиналар аниқ вақт бўйича қатнар, йўловчилар бекатларда бемаврид туриб қолишмасди.

** Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

АҲВОЛ ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

91-га «кўз текканига» икки йил бўлди. Йўловчилар олдинига бу вақтинчалик ҳолат деб ўйлашди. Бироқ, ҳа деганда яхшилик томон бурилиш бўлавермагач, улар ташвишга тушиб қолишди.

Бу орада бир неча бор Тошкент шаҳар йўловчиавтотранс уюшмасига, 8-автокорхона раҳбарларига маълумотлар, хатлар йўлланди. Аҳвол бироз ўзгаргандек бўлди-ю, лекин ҳафта ўтар-ўтмас яна ўша эски ҳолат такрорланаверди. Айниқса, йўловчилар 12 та машина қатнайдиган бу йўналишда гоҳида битта автобус, баъзан эса у ҳам юрмай қолганидан кейин ташвишда қолишди.

Ҳозир Юнусободнинг 15-даҳасида истиқомат қилувчилар ишга бориб-келишдан юракларини олдириб қўйишган. Қишнинг эрталабки изғиринида йўловчилар бекатда турнақатор саф тортиб турадилар. Тоқат тоқ бўлгач, навбатчи хонасига қатнайверасиз-қатнайверасиз. Навбатчи Валентина Моторинанинг жавоби эса битта: «Ахир автопарксдан йўналишга автобус чиқмаган бўлса мен нима қилай».

Сўзимиз қуруқ бўлмасин учун далилларга мурожаат қилайлик. 11 февраль. Эрталаб соат 7 дан 30 дақиқа ўтган. Охирги бекатда одатдагидек тумонат одам. Орадан бир ярим соат ўтди ҳамки, автобусдан дарак йўқ. Жойларда иш соати аллақачон бошланиб кетганига қарамай бекатда йўловчилар машина кутиб туришибди. Навбатчи Валентина Моторинага мурожаат қилдик: «Паркда чироқ йўқ, ҳайдовчилар машиналарига ёнилғи қуйиша олмаяпти».

— Йўналишда биронта ҳам автобус йўқми?

— Бор, учта автобус йўлда. Лекин улар ҳам кечаги ёнилғи билан юришибди. Балки йўлда ёнилғи тугаб тўхтаб қолишгандир, ким билсин.

Бу гапдан «91-ни кутиш бефойда» деган маънони уқиб олганлар асабий ташқарига йўналишади. Хуллас, шу куни бекатда турган қанча йўловчи бўлса, уларнинг ҳар бири ҳеч бўлмаса бир соатдан иш вақтини йўқотди.

15 февраль. Соат 7 дан 50 дақиқа ўтган. Аксига юриб совуқ заҳтига олган. Бекатда турганларнинг тоқати тоқ. Соат миллари 9 рақамини кўрсатган. Лекин автобусдан дарак йўқ. Йўловчилар қуршовида қолган навбатчи пешма-пеш автопаркка қўнғироқ қилиш билан овора. Жавоб битта: «Кутинг, ҳозир машина боради». Нари борса автопарксдан ушбу бекатгача саккиз дақиқада етиб келиши мумкин бўлган автобус салкам бир соатдан бери қорасини кўрсатмайди.

Колонна бошлиғи Қодир Султонбоев билан телефон орқали боғландик.

— Нима қилайлик, ака, совуқни кўраяпсизку, машиналар қотиб қолган, юролмаяпти. Ишонмасангиз келиб кўринг.

Агар ёнилғи йўқ, шунинг учун автобуслар йўлга чиқа олмаяпти, дейишса тақдирга тан берган бўлардик. Лекин машиналарнинг совуқдан қотиб қолиши нимаси? Ахир шу кеча қаттиқ совуқ бўлиши ҳаммага аён эди-ку. Шунга яраша зарур чора-тадбирлар кўриб қўйилса бўлмасмиди?

Қарангки, соат тўққиздан 15 дақиқа ўтганда ердан чиқдими, осмондан тушдими, 91-бекатга келиб тўхтади. Одамлар ур-йиқит қилиб унга интилишди. Чиққан чиқди, қолган қолди. Бекатлардаги йўловчиларнинг эса сон-саноғи йўқ. Шу куни билмадик, яна қанча ишчи ва хизматчи соатлаб ишдан кечикиб, маъмуриятдан танбеҳ эшитди экан.

Шу бекатга келиб-кетадиган 142-автобус ҳақида-ю (5-автопаркка қарашли) гапирмаса ҳам бўлади. Унинг боридан йўғи кўп. Баъзан эрта билан битта-яримта 142-га кўзингиз тушиб қолиши мумкин. Тушдан кейин эса у мутлақо ғойиб бўлиб кетади. 15 февраль куни ҳам 10 та автобус қатнаши ўрнига битта машина йўлга чиқибди.

Ахир бу аҳвол қачонгача давом этади? Юқоридаги автокорхоналарнинг раҳбарлари қачон йўловчиларнинг арзи додига қулоқ солишади?

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ҲУҚУҚШУНОС ТУШУНТИРАДИ

Савол: Туман судининг қарори билан мен яқинда ўз ишимга тикландим. Бекор юрган вақтим учун менинг фойдамга ҳақ ундирилди. Айтингчи, мени ноҳақ ишдан бўшатган раҳбарлар учун қонун бўйича бирор чора кўриладими?

А. Кабиров, Чилонзор тумани.

Жавоб: Ишдан бўшатишда ёки бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга мажбурий ишсиз юрган вақти ёки кам иш ҳақи тўланадиган ишни бажарган вақти учун ҳақ тўланиши муносабати билан корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти суд томонидан юклатилади. Бунда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишда ёхуд меҳнат низоларини кўрувчи органнинг қарори ижро этилмай очиқдан-очиқ қонун бузилишига йўл қўйилган бўлса етказилган зарарни ундириш юклатилади. Мансабдор шахс ўзининг уч ойлик мансаб маошидан ошмаган ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди.

Савол: Биз қарилик пенсиясини олиш арафасида турибмиз. Бироқ корхонамиз маъмурияти бизни ишдан бўшатиш мақсадида 1 йилга шартнома тузиб қўймоқчи. Бу ҳақда қонунда бирор енгиллик борми?

Н. Қосимов, К. Ҳолиқов, С. Раҳимов тумани.

Жавоб: Ҳа, бор. Ходим пенсия ёшига (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш) етиб қарилик пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари мажмуаси 41-моддасининг 1 (прим) бандига биноан (1993 йил июль ойига қадар) меҳнат шартномаси маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин эди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вазифасини бажарувчи комиссияси хулосасига мувофиқ фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига қарама-қарши бўлган тартиб, яъни пенсия ёшига етган ходимлар билан меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги ва маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши тўғрисидаги Меҳнат Қонуни Мажмуаси 22 (прим) моддаси, 41 моддасининг 1 (прим) банди мажмуадан чиқариб ташланди.

Демак, маъмурият сизни ўз хоҳишингизсиз ишдан бўшатишга ҳақли эмас.

Абдужалил ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

** Келажагимиз — мактабда*

НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРДА

С. Раҳимов туманидаги А. Муродхўжаев номли 23-мактаб жамоаси буни чуқур ҳис қилиб, таълим-тарбияга масъулият билан ёндошмоқда. Туман халқ таълими томонидан тасдиқланган режа асосида олиб борилаётган дарслар иложи борича самарали ўтказилишига эътибор бериляпти. Болалар дарсда зерикиб қолмасликлари учун ноанъанавий усуллардан фойдаланилади. Масалан, мактаб фаоллари томонидан тайёрланган навоийхонлик ҳамда улуғбекхонликка бағишланган очиқ дарслар ўқувчиларнинг дастурдаги шу мавзуни чуқур ўзлаштиришига ёрдам берди. Шунингдек, Навоий асарлари бўйича саҳналаштирилган асарлардан парчалар намойиш этилди. Буюк аллома Улуғбек меросини ўқувчиларга таништириш мақсадида математика кечаси ўтказилди.

— Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда ана шундай семинар, савол-жавоб кечалари катта аҳамият касб этаяпти, — деди мактаб директори Шаҳодат Абдураҳмонова. — Мақсадимиз болаларни тўғри тарбиялаш, мавзуларни тўлиқ ўзлаштиришларини таъминлашдан иборат. Дарсдан ташқари факультатив машғулотлар ҳам ташкил этганмиз. Буни «Ғайрат», «Зарқайнар», «Крупская» маҳалла комитетлари билан биргаликда олиб борамиз. Дурадгорлик, косибчилик, каштачилик, безовчи рассом, наққошлик каби ўгараклар мавжуд. Яхши ишлайдиган болалар маошгит ва қиз нафақат ўрта маълумотли, ҳунарли ҳам бўлиб етишади.

Мактаб жамоаси халқ таълими аълочилари, шахсий нафақахўрлардан Б. Нўъмонов, М. Мирабдиева, А. Пўлатов, А. Биарслоноваларнинг тажрибасидан ўринли фойдаланаяпти. Отанага, кексаларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, она Ватанни ардоқлаш, меҳр-оқибат курҳакларини ривожлантириш олижаноб мураббийлар томонидан амалга оширилаётир.

Юлдуз МИРЗАКАРИМОВА.

БАЛЛИ, «ОРОМ»!

Дасталарнинг ҳар бири ўз овози, ўз томошабинига эга. Ана шундайлардан бири Собир Раҳимов тумани маданият уйида фаолият кўрсатаётган «Ором» вокал чолғу жамоасидир. Даста репертуаридан жаҳон халқларининг куй ва қўшиқлари ўрин олганлиги, ўзбек халқ қўшиқлари, қадимий куй ва қўшиқларнинг электр асбобларида ўзгача жаранги, янгича талқини билан ҳам эстрада шинавандаларига манзур бўлиб келмоқда.

Яқинда ижодий жамоа «Ёшлик тараннуми этади» деб номланган томошани мухлислар ҳукмига ҳавола этдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ № 34.

ТАБИАТ ВА ИНСОН



ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ САҲИФАСИ

ОБОДОНЧИЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Биринчи Яккасарой маҳалла оқсоқоли Орифҳожи Алимаҳсум ўғли билан суҳбат

— Орифҳожи ака, дунёдаги барча жонли мавжудот инсон меҳрига, муҳаббатига муҳтож. Она табиатимизга меҳру мурувват кўрсатиш бугун, айниқса, сув ва ҳаводек зарур бўлиб турибди. Бу борада эса халқимиз азалдан табиат ошиғи эканлигини биламиз...

— Ҳали-ҳали эсимда. Яккасарой маҳалласи авваллари деҳқонларнинг дала ҳовлилари эди. Апрель ойидан бошлаб боғлар жонланиб қоларди. Боғ эгалари дастлаб деворларни таъмирларди, уйларни оқлаб, кўкларди. Довдарахтларни бутаб, кўрк берарди, танасини оқларди. Бир ҳафта-ўн кунда манзара жуда ҳам ўзгарарди. Бу ишларни бирорта катта раҳбар келиб буюриб, тепасида туриб қилдирмасди. Буни барча—бола-бақрадан тортиб, кексаларгача ҳаётий зарурат деб тушунарди.

Миробимиз бўларди. Унинг бошчилигида Ракат ариғимиз чопиларди. Чопилганда ҳам жуда қиртишлаб, пакизалаб қўйиларди. Ҳамма билардики бу ариқдан ўзимиз сув ичамиз. Бешёғоч даҳасидан сув боғлангунгача барча ишлар қилиб бўлинарди. Ҳатто ариқдан чиққан чўп, ҳас, лойлар ҳам текисланиб, тупроқ сепиб чиройли қилиб қўйиларди. Энг қизиғи биронта одам сувга на ахлат, на хас-чўп ташларди. Зилол бўлиб оқарди сув жонивор, шу ариқнинг сувини ичиб катта бўлганмиз.

Кўчалардан ўтганимда ўша йиллар ёдимга тушади. Табиат қўйнида яшнаган дамларни эслаб, хўрсиниб қўяман.

Табиатнинг ҳамиша ям-яшил бўлиб туриши унинг жонкуяр қўриқчилари фаолиятига боғлиқдир. Уларнинг меҳру муҳаббати туфайли теварак-атроф гуллаб-яшнайди.

Илья Портнов сурати.

ХАЛҚИМИЗНИНГ Сув, Ер, Ҳаво, Қуёш билан боғлиқ талай удумлари, анъаналари борки, улар табиат муҳофазасининг ажралмас қисмидир. Зотан инсон табиат фарзанди эканлиги болаликдан бошлаб барчага уқтирилган, одатлантирилган, ибрат бўлинган.

Кейинги йилларда нима учун мактабларда, ўқув юртларида табиатни муҳофаза қилиш мақсадида экология дарслари ўтилмоқда? Ажойиб анъаналар ворислари эканлигимиз ёдимиздан чиқдими?

Ушбу фикрлар шаҳримизда бўлиб ўтган узлуксиз экологик таълим ва тарбия муаммоларига бағишланган республика илмий-услубий кенгашида қўп марта такрорланди. Унинг ташкилотчилари — Табиатни муҳофаза қилиш Республика давлат комитети, Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Экосан» саломатлик ва экология жамғармаси, «Тараққиёт» илмий-техника ассоциацияси, республика фан ва техника уйи бу масалага ниҳоятда жиддий ёндошдилар. Жиддий ёндошмасликдан ўзга илож ҳам йўқ эди: биз кўпдан бери экологик танглик аро яшаб келмоқдамиз. Бу — аччиқ ҳақиқат. Далаларга сепилган кимёвий ўғитлар шаҳарлардаги қушларни ҳам қириб юборгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир ҳар бир тошкентлик Орол ва Оролбўйидаги аҳволни қалби ачишиб кузатмоқда. Чунки Орол тақдири бугун инсоният тақдирига айландики, бу ҳам сир эмас.

Инсоният бугунга келиб, атмосферанинг ифлосланишидан қаттиқ озор чекмоқда. Саноат корхоналарининг, автотранспорт воситаларининг «маҳсулоти» бўлмиш зарарли ва заҳарли чиқиндилар ҳавони тўлдириб юборди. Бу ҳам сир эмас.

Барчасига сабаб нима? Сабаб битта: бизнинг лоқайдлигимиз. Бизнинг табиатимиздан тўлиқ бебаҳралигимиз. Кенгашда шулар ҳақида очиқ-ойдин айтилди. Айни пайтда табиатни севиш, уни эҳтиётлаш, қанчалик ардоқлашгина мавжуд аҳволни яхшилаши мумкинлиги қайд этилди.

Кенгаш иштирокчилари, айни чоғда ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш билан боғлиқ тизимларни экологик жиҳатдан мукаммал технологик жараёнларга эга эмаслиги ёки экологик иқтаи назардан замон талабларига мос ишлаб чиқилган технология ва дастурларни ҳаётга ўз вақтида тадбиқ этилмаётганлиги, аҳоли ўртасида экологик тарбия суст олиб борилаётганлиги жойларда экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келаётганлигини тан олдилар. Бундай шароитда кишиларнинг табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши, экологик таълимни тубдан қайта қуриб чиқиш ва уни такомиллаштириш, бу соҳадаги ишларни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш каби долзарб ва жиддий масалаларнинг тезкорлик билан ечимини топиши ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Табиатдан фойдаланишда инсонни экологик жиҳатдан оқилона тадбирлар кўришга ўргатиш бош вазифа бўлиб, у атроф-муҳитни сақлаш соҳасидаги ягона узлуксиз таълим ва тарбия тизимини йўлга қўйиш билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида барча таълим муассасаларида экологик таълим жорий этилиши кўзда тутилган.

ЗАМИННИ СЕВИШ ИЛМИ

Республиканинг таълим муассасаларида, айниқса, олий мактабда, охирги икки йил мобайнида атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мутахассислик ва ихтисосликлари бўйича эколог кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. 1993 йилда экологияга тааллуқли мутахассислик ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг сони 15 тага (жумладан, 8 та университетда) етди.

Республикада экологик таълим ва тарбияни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўртасида 1994 йилда бир неча ташкилий ҳужжатлар имзолангани ва сўнгги пайтда амалий ишлар қилинаётганлигига қарамай, бу соҳа муайян таянч тизимига эга эмас.

Ўқув муассасаларида экологияга тааллуқли адабиётларни давлат тилида тайёрлаш ва уларни нашр этиш ишлари республика аҳолисининг эҳтиёжини қондирмаяпти.

Республикада экология соҳаси бўйича аспирантура, диссертацияларни ҳимоя қилиш учун алоҳида ихтисослашган кенгашлар ташкил этилмаганлиги сабабли илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи ўз ечимини топмаган.

Баён этилганларни эътиборга олиб ҳамда узлуксиз экологик таълим ва тарбия тизимини яратиш, олим, педагог ва мутахассисларнинг куч ва интилишларини мужассамлантириш ва уларни белгиланган мақсадга тўғри сафарбар этиш, республика аҳолисининг экологик маданияти ва саводхонлигини ошириш ниҳоятда зарур деб эътироф этилди.

Кенгаш Олий ўқув юртларида экологияга тааллуқли мутахассисликлар ва ихтисосликлар гуруҳи мавжудлиги ва бу соҳанинг истиқболини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги илмий-услубий бирлашмалар мувофиқлаштирувчи кенгаши таркибида алоҳида «Экология» бирлашмаси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди.

Мазкур бирлашмага мувофиқ мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, тегишли ўқув-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига тавсия этиш топширилди.

Республикамизда узлуксиз экологик таълим ва тарбия масаласида ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш ва уни Вазирлар маҳкамасининг алоҳида қарори билан тасдиқлаш кечиктириб бўлмайдиган масала эканлиги ҳам қайд этилди.

Шунингдек кенгаш республика таълим вазирликларига экологик таълимни тўғри ташкил этиш ва жаҳон талаблари даражасида йўлга қўйиш учун ривожланган хорижий давлатларда мавжуд экологик ўқув дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг хусусиятлари ва шароитларига мос келадиган дастурларни ўқув жараёнларига тадбиқ этиш чораларини кўришни мақсадга мувофиқ, деб топди. Барча таълим муассасаларида, мавжуд мутахассисликларидан қатъи назар изчил экологик фанларни ўқув режаларига киритиш ва ўқитишни тавсия этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабалар ҳамда таълим бераётган етакчи профессор-ўқитувчиларни тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида танлов асосида «Экосан» жамғармасининг махсус стипендиялари ва мукофотларини таъсис этиш ҳам муҳимдир. Давлат тилида жаҳон стандартларига жавоб берадиган, Ўзбекистон хусусиятларига мос келувчи ўқув адабиётларини тайёрлашда республикада мавжуд маълумотлардан ташқари, халқимизнинг экологик маданияти, тарихий экологик қадриятларига алоҳида эътибор бериш мутасадди ташкилотлар диққатига ҳавола этилди. Кенгаш ҳар биримизга табиатни севиш илми қанчалар зарурлигини, муҳимлигини яна бир бор эслатди.

Ғолиб МИРЗО.

ШАҲРИМИЗДАГИ экологик вазиятни яхшилаш учун ўтган йилги мўлжалланган 343 тадбирнинг 248 таси ўз ижросини топди. Белгиланган 670,1 миллион сўм ўрнига 2 миллиард 750 миллион сўм маблағ бу йилда сарф этилди. Фақат шу тадбирларни ўз вақтида бажариш туфайлигина шаҳар ҳавосига зарарли чиқиндилар чиқариш 5846 тоннага камайди. Бу 5 та атмосферани ифлослантирувчи манбанинг йўқотилгани, 2 минг кубометр ҳажмидаги ер юзасидан оқава сувларга барҳам берилганининг, 11,1 минг кубометр сувни қайта ишлаб берувчи 5 та тизим ишга тушганлигининг натижасидир. Шаҳарда 78,9 километр янги оқава сув тармоғи ишга тушди. Шу туфайли оқава сувлар тушиши 4032 минг кубометрга камайди. Икки гелиотериал қурилма, 48 чанг ва газ тозалагич ускунанинг ишга туширилгани ҳам айни муддао бўлди.

Шаҳримиздаги корхоналарда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Тошкент тепловоз таъмирлаш заводида углерод оксидини ёндирувчи тизим, қуюв цехида эса чанг ютгич қурилмалар ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинди. 8-темир бетон маҳсулотлари заводида чанг тозалагич қурилмалар қайта созланди. Цемент чанги ва чиқиндиларни тозаловчи 2 босқичли тизим ҳам тўлиқ қувватда ишлай бошлайди.

«Совпластитал» қўшма корхонасида ҳам углеводород чиқиндиларини тозаловчи термократалитик мослама ишга туширилди.

«Ўртаосиёэлектраппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Қорасув анҳорининг қирғоқлари ободонлаштирилди. Мотор заводида сувни қайта ишлашни таъминловчи тизим иш бошлаши билан Чирчиқ дарёсига саноат оқавалари тушиши барҳам топди. «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» заводида эса саноат оқаваларини тозаловчи қурилма ишлай бошлади. Натижада Салор каналини оқавалар ортиқ ифлослантирмаяпти. «Тошшаҳйўловчитранс» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва «Тошшаҳюктранс» концернида 300 машинани газ билан ишлашга ўтказиш ишлари ниҳояланяпти.

Юқорида келтирилган далиллар кишини қувонтиради, албатта. Лекин амалга оширадиган юмушларимиз кўплигини ҳам унутмаслик керак. Чунки қатор корхоналарнинг раҳбарлари табиат муҳофазасига етарли эътибор бермаяптилар. Бажарилиши лозим бўлган юмушларни йилдан йилга чўзиб келяптилар.

Энг катта ҳисобланган «Тошқурилиштранс» бирлашмасида юк машиналарини чиқинди газлардан тозаловчи қурилма билан таъминлашга эътибор берилмаяпти. Машиналар шаҳар ҳавосини керагидан ортиқ булғаяпти.

Рангли метални иккиламчи қайта ишлаб чиқариш бирлашмасида эса Жанубий Сирғали саноат зонасида оқава сув тармоқлари қуриш ва ишга тушириш муддатлари чўзилгандан чўзиляпти. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

** Сарҳисоб*

ЖОНКУЯРЛАР ВА ЛОҚАЙДЛАР

1993 йил мобайнида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан 1471 марта назорат текширишлари ўтказилди. 1203 саноат, қўшма, кичик корхоналар, бошқа муассасаларда табиатни сақлаш меъёр ва қоидалари қай тарзда бажарилаётгани изчил текширилди. Кўпгина корхоналарда комитет томонидан тавсия этилган тадбирлар мутлақо амалга оширилмаганлиги бизни жуда қаттиқ ранжитди. Шундай корхоналар орасида яна «Тошкент трактор заводи» (1, 16, 24, 51, 52-цехлар), «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ишлаб чиқариш бирлашмалари борлиги ачинарли ҳолдир. Аниқланган қоидабузарлик ҳолларига 221 марта технологик жиҳатларни, иш жараёнини тўхтатиш ҳақида кўрсатма берилди. 540 мансабдор шахсларга 6267,9 минг сўм жарима солинди. Дарахтларни ўзбошимчалик билан кесганлиги учун 22 кишига 313550 сўм жарима белгиланди ҳамда етказилган зиённи қоплаш учун 1989650 сўм миқдорида товон тўлаш ҳақида қарор қилинди.

Энг ажабланарли жойи шундаки, табиатни муҳофаза қилиш қонунини бузиш ҳоллари қатор корхона ва ташкилотларнинг масъул ва раҳбар ходимларининг бу зарур ва долзарб масалага панжа орасидан қараётгани туфайли рўй бермоқда. Анҳорларда зилол сув оқишини таъминлаш, хиёбон ва боғларни тозалаш, дов-дарахтларни яшнатиш бир ёки икки кишининг қўлидан келмайди. Шаҳар мусаффо бўлиши учун ҳаммамизнинг қуюнчаклигимиз зарурдир.

Сергей САМОЙЛОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раисининг ўринбосари.

ДАРАХТЛАРГА ЗАВОЛ ЕТМАСИН

ЕРГА суқулган миттигина ниҳолдан тортиб шамолларда шовуллаб турган дарахтларгача одамзоднинг ҳимоясида бўлмоғи керак. Зеро, яшил олам вакилларига ҳамдард бўлиш — бу биринчи вазифамиздир. Сабаби дов-дарахт, гул-гиёҳ инсон ғамхўрлигисиз ўсиб-унмаганидек, биз ҳам уларсиз эмин-эркин яшашимиз даргумон.

Шаҳримизнинг яшилликка бойлиги, дов-дарахтлар сероблиги, айниқса, баҳор ойида жуда ҳам кўзга яққол ташланади. Йўл бўйларидаги, мавзе ва даҳалардаги адл тераклар, қарағайлар, қайрағочлару чинорлар чиндан ҳам беҳисоб. Айниқса, маҳаллалардаги мевали дарахтларни айтмайсизми? Улар ўз-ўзидан гуркираб, яшнаб кетмайди, албатта. Ҳар бир ниҳолни ўз вақтида суғориш, парваришлаш зарур. Афсуски, кўпгина дов-дарахтлар бизнинг ҳимоямиздан йироқда қолиб, бекорга нобуд бўлиб кетади.

Акмал Икромов ва Чилонзор туманларида мавзелар орасидаги хиёбонлардаги дарахтлар парвариши жуда ёмон аҳволдалиги кишини ранжитади. Акмал Икромов туманида 9, 10, 22 ва бошқа мавзелардаги аҳволни кўриб, бу ерларда боғбон йўқ экан, деб ўйлайсиз. Дарахтлар умуман буталмаган. Устига устак азбаройи қалинлигидан жуда ҳам баландлаб кетган.

Республика Вазирлар маҳкамасининг қарори билан Давлат комиссияси тузилди. Комиссия дарахтларга ишлов бериш, қуриганларини кесишни назорат қилади. Комиссия ишида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети назоратчиларининг ҳам қатнашаяптилар. Комиссия ҳар куни бир мавзе ёки даҳага боради, яшил дўстларимизнинг аҳволини кўради, тегишли юмушларни бажаради. Комиссия ишига шаҳримиздаги кўпгина туман ободонлаштириш бошқармалари фаол кўмаклашишяпти. Аммо бу ишга лоқайдлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас.

Кишиларнинг кўзлари тушган бўлса керак, барча хиёбонларда, даҳаларда дов-дарахтларга ишлов бериш қизғин давом этмоқда. Улар одамлар кўз олдида гўзаллашиб, кўчаларимизга файз қўшмоқда. Лекин кўпгина кишилар бу иш қонуний тарзда текшириш ва акт тузиш орқали бўлаётганини билмасалар керак.

Биз — табиатни муҳофаза қилиш комитети назоратчиларининг иши дарахтларни бекорга кесилиб кетмаслигининг олдини олиш, уларнинг сонини йил сайин кўпайтириб боришдан иборатдир. Аммо бунда тўсиқлар ҳам етарлича учраб турибди. Яқинда Зиёвуддин Бобохонов кўчасидаги дарахтлар кесилаётгани ҳақида хабар келди. Комитет ходими Шаҳло Абдужалилова воқеа содир бўлган жойга етиб борди, дарахтларга ноқонуний завол етказаётганлар кимлигини аниқлади.

Ҳамшаҳарларимизга яна бир бор эслатиб ўтишим зарур деб биламан: дов-дарахтлар ҳам парваришга муҳтож. Уларни турли-туман касалликлардан муҳофаза қилишимиз, вақтида суғоришимиз, тагини чопишимиз керак. Унинг танасига мих қоқиш, турли номларни ўйиб безаш эса озор беришдан ўзга нарса эмас. Шундай қилайликки дарахтлар ҳамиша бизнинг шаҳримизга кўрк бериб, яшнаб турсин.

Ким ФАТТОҲОВ.

** Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

Динозаврлар ҳалокати

Динозаврларнинг Бўр даври охирларида ёппасига шиддат билан қирилиб кетганлигидан ёшу қарининг хабари бор. Бунга об-ҳавонинг ниҳоятда кескин ўзгариб кетганлиги, сўнгра жуда ҳам улкан метеоритнинг ерга келиб тушганлигини сабаб қилиб кўрсатиларди. Бу тахминлар палеонтолог олимларни мутлақо қониқтирмай қўйди. Ҳамма гап шундаки бу баҳайбат жониворлар ёппасига эмас, бирин-кетин ер юзидан йўқ бўлганлар. Масалан Шимолий Америкада 10 миллион йилга чўзилган Бўр даврининг охирларига келиб 35 турдаги динозаврлардан 12 тури қолган холос. Америка геологик жамиятининг Бостон шаҳрида йилда бир бўлиб ўтадиган йиғилиши бор. Охирги йиғилишда Қўшма Штатларнинг тўрт университетида таҳсил бераётган тўрт геолог ва палеонтологлар янги тахминни ўртага ташладилар. Ўз тахминларини вулқонлар тангриси номи билан «Пеле тахмини» деб атадилар. Улар динозаврлар ҳалокатининг асосий сабаби қилиб кислород билан водороднинг концентрацияланиши, яъни кислороднинг қуюлиб қолишида деб кўрсатишди. Бўр даврининг охирги 2 миллион йили давомида атмосферадаги кислород миқдори 35 фоиздан 28 фоизгача камайиб кетган экан.

Ҳозирги кунда атмосферадаги кислород миқдори 21 фоизни ташкил этади. Зотан, ҳозирги ҳайвонлар олами вакиллари айнан шундай шароитда ривожланишган. Иккинчи томондан нафас ўтказувчи диафрагма майда сут эмизувчилардагина пайдо бўлганини ҳисобга олсак улкан динозаврлар бошига қандай кулфат тушганини билиб олиш қийин эмас. Бунга Бўр даври иқлимининг мунтазам совуб боришини ҳам қўшсак манзара анча ойдинлашади. «Бундай шароитда динозаврлар Ҳимолай тоғи чўққисига олиб чиқиб қўйилган одам қандай ҳолга тушса, шундай аҳволга дуч келганлар», дейишади тўрт олим.

Улар масалани яна ҳам кенгроқ қилиб қўймоқдалар: эволюция жараёнида ҳал қилувчи «сўз»ни вулқонлар айтган. Маълумки, бунда кислород ва карбонат ангидриднинг атмосферада кўп ёки камлиги ҳамма нарсани белгилайди. Шу иккала газнинг кам ёки кўплигига ер юзидаги ҳаёт чиндан ҳам боғлиқдир.

Хўш, динозаврлар-чи? Улар яна қайтиб ер юзида пайдо бўлишадими? Ёки ўлимлари сирлилигича келгуси авлодларга ҳам етиб борармикин?

Мени мўмиёлаб қўйинг

Россия биологик тузилмалар тадқиқоти марказининг мўмиёлаш бўйича мутахассислари Ленин мўмиёланган суюкликни бозорга чиқариш ниятидалар. Ғарбдан мижозлар ҳам топила қолди. Талаб ошгандан ошяпти. Сабаби мўмиё билан шуғулланувчи бошқа бирон-бир кучли ташкилот дунёда ҳозирча йўқ. Одам танасини мўмиёлашнинг пайдо бўлганига бир неча минг йилдан ҳам ошди. У қадимги Мисрда бундан 6 минг йил аввал қўлланган эди. Яқинда эса Қоҳирада фиръавнлар, уларнинг қариндошларининг мўмиёланган жасадлари солинган тобутлар қўйилган музей ҳам очилди.

Қадимги мисрликлар ўлим бу ҳаётнинг тугаши эмас, балки янги дунёга ўтиш учун кўприк деб ҳисоблашган. Улар худди ерга қадалган уруғга яхшилаб сув қўйилса у янги ниҳолга қаёт бахш этгани каби, мўмиё ҳам одам танасига ана шу сувдек зарур деб ҳисоблашган.

Дастлаб қадимги Мисрда фақат шоҳлар, уларга тегишли авлодининг жасадлари мўмиёланган. Кейинроқ алоҳида хизмат кўрсатган, фиръавннинг меҳрини қозонган яқинларга ҳам рухсат берилган. Улар тириклик чоғида ўзига мақбара қуришга, мўмиёга жой ҳозирлашга ҳуқуқли бўлганлар. Вақт ўтиши билан ушбу тадбир ҳаражатларини қоплашга қодир ҳар қандай кишиларнинг фойдаланишига рухсат берилган...

...Шундай қилиб, кимнинг хамёни қаппайган бўлса марҳамат, пулни тўласангиз, тириклик чоғида қандай бўлганингиздан қатъи назар, сизни айнимайдиган қилиб қўйишади. Зап замонлар келди-да!

Турсун АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Дариғо, чечакдек бевафосен...
(Хоразмий).

ИЛМИЙ-тадқиқот институтига лаборант бўлиб келган ёш бир гўзал жувон тезда бу ердаги кишиларнинг диққатини ўзига жалб этди. Айниқса, фан доктори Насриддинбек бир кўришдаёқ забун бўлиб, ўзини оташга ураётган парвонадек унинг атрофида гир айланди. Бунинг устига у бир қадар хаёлпараст ҳам бўлиб, ҳаловати йўқолди. Институтнинг яна бир бошқа кекса профессори ёш жувонга тикилиб туриб: «Оҳ-оҳ, бу ўзи чинакам дўндуқча-ю!.. Илм ғурбатида нима қилиб юribди», дебди. «Э, афсус, ёшлигимиз ўтиб кетди, ўша қирқинчи йилларда бу ўзи қаёқда эди!..». Шу-шу лаборант қизнинг номи «Дўндуқча» бўлиб кетди. Кўп йиллар ўзини илмга бағишлаб, диссертация-ю препаратлар — илмий асбоб-анжомлар, пробирка-ю колбалар, компьютерларга ихлос қўйган фан доктори Насриддинбекнинг ҳаловати бузилганини бу ерда кўпчилик сезиб, «кесакка жон кирди...» деб ҳаҳоладилар. Бу гўзал ўзига нисбатан камоли эҳтиром билан қараётгани, таъзиму таъвозеси, умуман, унинг бу деярлик жимжит ва мудроқ муҳитда пайдо бўлгани Насриддинбекнинг бутунлай ақлу ҳушини олди.

«Дўндуқча» дарҳақиқат тиқмачоқдан келган, қошлари чизиб қўйилгандек камон, хипча бел, кекса профессор тасвирлагандек «эгари келишган», икки ёноғида кулгичи бор, доимо чақнаб турадиган жувон эди. Сутга чайиб олингандек оппоқ. Уни дўндуқча деганларида қилча хато йўқ, сўзлари ҳам ғоятда ёқимли, ўз ҳусну жамолини таманно этишдан бир қадар уялиб, баъзан катталар олдида бинафшадек қайрилиб ерга қараб турарди. Вужудида қандайдир сирли жозиба мавжудки, ҳар бир киши диққатини беихтиёр ўзига жалб этади.

Еши ўттиздан ошиб кетган бўлса ҳам уйланмай юрган фан доктори Насриддинбек ўзини батамом илмга бағишлагани, кўп йиллардан буён бўйдоқ юргани институт аҳлига маълум. Кейинги йилларда онаизорининг «бу дунёдан сўққабош ўтасанми ўғлим, мен ҳам невара кўрмай кетаберманми, ахир, катта пропессор бўлсанг ҳам зурёд керак», деган гаплари Насриддинни ҳаракатга солган эди. Гапнинг очиғини айтганда баъзи қизлар унга тегмоқчи ҳам бўлди: лекин танлаш, хато топа бериш, ишқу ошнинг сустлиги сабабли улар ўзларини тортиб кетишган. «Ишқилиб, танлаб-танлаб тоғига учрамай-да», дерди баъзан ўзига ўзи.

Насриддинбек баъзан очиқ, баъзан ҳуфя шу Дўндуқча ёнига кирар, уни гапга солар, ўз илмий ишларини ҳам деярлик унутган эди.

Илгари фақат «олиму уламолар» — номзоду докторлар, академикларнигина тан олиб, бошқаларга ҳуши йўқ бу камгап, тажанг, қотмадан келган Насриддинбек бирдан Мажнун бўлиб қолди. Е, тавба, деди касбдошлари. Хотин-қизлар билан унча иши йўқ, ўттизлардан ошиб кетган олим қилиқ чиқариб, Дўндуқча атрофида парвона бўлаётгани кўпчиликка ғалат туюлди. Атрофида шунча жононлар турсаю, кеча келган бу кимса ёнида профессорнинг довдираши, қизариб, гапларидан адашиши баъзиларнинг энсасини қотирди: «Мунча! Нима бўпти у?! Наҳотки профессоримиз кўзи очилмаган мушук болага ўхшаб қолса! Наҳотки шу пайтгача хотин зотини кўрмаган бўлса!...».

Насриддинбекнинг қулоғига бу гаплар етиб келмай иложи йўқ эди, у таъналарга чидади. Тоғаси, бир академикнинг институт директори билан гаплашиб, жиянини бу ерга жойлаштирганини ҳам билди. Кунлар ўтиши билан доктор Насриддиннинг бекорга Мажнун бўлмаганини ҳам сеза бошлашди.

Жума куни Насриддинбек ўзида бир фавқулодда жасорат пайдо этиб, Дўндуқчага мурожаат этди:

— Фамилиянгизни биламану исмингизни билмайман. Айбга қўшмайсиз. Исмингиз нима?

— Маъсуда.

— Бугун жума, Маъсудахон, Сизни кинога таклиф этсам йўқ деманг! Илтимос қиламан!

Дўндуқча ўйланиб қолди. Ёноқлари қизарди. Кулимсиради. Кейин жиддийлашди:

— Хўп... Сиз таклиф қиласизу домла, бормайманми!

— Э, яшанг! Саломат бўлинг!— деди яшнаб Насриддинбек. — Соат бешларда ёнингизга кирсам майлими?

— Институтимиз ёнидаги автобус бекатида...

Ўзида йўқ шод Насриддинбек лабораториядан коридорга чиқди, юраги гуп-гуп урарди. Омади кулиб, шунча йил излаган кишисини топди. «Абадий бўйдоқлик» ҳам тугайдиганга ўхшаяпти. Бу, қандай яхши! У оёғини қўлга олиб тўппа-тўғри Олой бозорига равона бўлди. Тезда бир даста атиргул олиб келди. Зора онаизор орзуси рўёбга чиқиб, у ҳам хотинлик бўлса, оила тузса, неварамни қучсам бу дунёда армоним қолмасди, деб юрган онаизорини мамнун этса, ёвуз ағёрларнинг «Насриддинбек уйланмайди, у совуқ мижоз...» деган туҳматлари чиппакка чиқса! Зора!..

Роса соат бешда улар шоҳбекатда учрашдилар. Насриддинбек Дўндуқчага бир даста атиргул узатди. У қувнаб, гулга тикилди, бурнига яқин олиб келиб, искади. Мамнун. Кейин ичкарига кириб кетишди.

— Ҳаммаёқда ҳинд фильмлари... — деди Дўндуқча кулимсираб, — бир нима қўйса ҳаммаёқда бир хил...

— Лўлилар хонадонида ҳар куни бир хил овқат қилинар экан. Агар биронтаси бошқача овқат қилса кўришолмай, бекиниб келиб, қозонига тезак ташлаб кетишаркан...

Дўндуқча эркаланиб кулди.

Лекин Насриддинбек «Ноқулай гап айтиб юбордимми, «тезак» сўзини ишлатганим хато бўлдими» деб, ўйланиб қолди. Ҳўкизнинг ҳазили бир боғ бедани еб қўйганидек бўлмадимикан. Мени бетамиз, деб яна айнаб қолса-я!

Ичкарига кираётганларида қандайдир бир бесўнақай, бурни шолғомдек кимса уларга тикилиб, орқама-орқа залга кирди. Кейин қаерга ўтирганини пайқамадилару қандайдир бир ўткир, нигоҳ улардан узилмаётганини сезиб туришарди.

«Ҳаммаҳалласи»ни дарҳақиқат қаердадир кўргандек бўларди. Маҳалла қўмитасининг раиси Саидали ака деган фаол, саховатли кишини ҳам эшитган эди. Бироз хотиржам бўлди. Дарҳақиқат ўн минутлардан сўнг машина институтга етиб келиб, йўлка четида тўхтади. «Хайр, катта раҳмат сизга!» — деди машинадан чиққан Дўндуқча бояги йигитга. Хорижий машина яна ғувв этиб жўнаб кетди. Орадан бир кун ўтгач шоҳбекатда автобус кутиб турган Дўндуқча ёнида яна ўша «Мерседес» тўхтаб, ичкарида ўтирган йўғон йигит эшикни очиб, ташқарига чиқди.

— Марҳамат, Маъсудахон! Чиқинг! Худо ҳаққи бу тасодиф! Кўнглингизга ҳеч гап келмасин. Тасодиф..

— Йўқ, безовта бўлманг, ака!

— Мени савобдан бенасиб қилманг, Маъсудахон, — деди у йигит. Лекин уни «ака» деб атагани вужудини ларзага солди! Ғоятда ёқди. Ҳеч ким бундай чиройли айтмаган! — Наҳотки ватандошимнинг шу арзимас ишига ҳам фойдам тегмаса!

— Мен бошқа ёққа кетяпман...

— Ўша «бошқа ёққа» ҳам ташлаб ўтаман.

— Қизиқ бўлди-ку! — Дўндуқча ноилож машинага чиқди. Машина ичи Франциянинг ноёб атри ҳидига тўлди.

— Сўрамасангиз ҳам ўзимни таништириб қўяй: мен — Болтабойман. Бизнесмен. Яъни, тижорат кишиси. Яқинда Туркиядан мол олиб келдим. Икки жойда магазиним бор...

— Ишингиз тузук экан, —деди Маъсудахон кулимсираб.

— Халқимизни фаровон қилишда бизлар иш кўрсатишимиз керак. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар... Тижорат аҳлини кўпдан буён камситиб келдилар, бу тўғри эмас эди! Биз ҳам тушунамиз, Ўзбекистонимиздан Буюк Ипак йўли ўтган, карвонлар наинки мол ташиб ўз юртларини бойитганлар, бу билан бирга чет давлатлар билан яхши алоқани кучайтиришда молу мато карвонлари катта иш қилганлар дейилади тарихда. Иккиламчи, аввал таом, баъдаз калом...

— Кўп нарсани билар экансиз, тушунтирганингиз учун раҳмат!— деди Дўндуқча унинг оғзига маҳлиё бўлиб. Кейин савол берди:— нима билан савдо қиласиз?

— Мато, қимматбаҳо буюмлар, кийим-кечак... — шу лаҳза Болтабой орқада ўтирган Дўндуқчанинг қўлига қаради-да ёнидан бир чиройли қутича чиқариб, унга узатди, — мана шуни тақиб кўринг, бармоғингизга тўғри келармикан?

Дўндуқча ҳеч нарсани ўйламаган ҳолда беихтиёр қутичани олиб, очди. Қора духоба устида тариқдек—тариқдек икки бриллиант илон кўзидек ёниб турарди. Уни чап қўлининг тўртинчи бармоғига солди, жуда лойиқ келди. Узукка қараб ҳайратланди, ғоятда гўзал!

— Шу сизга!

— Ия, нечун?! — деди ўйланиб. Кейин яна сўради. — Нархи қанча экан?

— Нархини сўраманг.

— Йўқ, менга узук керакмас! — деди юраги шиғиллаб. У қўлидан суғуриб олиб, қутичасига солдида, эгасига узатди, Рулда кетаётган Болтабой пешонасига яқин тепадаги ойначадан Дўндуқчани кузатаётганди.

— Гапни очиқ айтақолай, Маъсудахон. Сиздан уни қайтариб олмайман! Сизники! Мен анчадан буён изингиздан юрибман. Ҳамма нарсадан хабарим бор. Сизга уйланмоқчиман. Сизни яхши кўраман... Тўғри, мен баъзилардек силлиқ, келиштириб гапира олмайман, чиройли қилиб галстук тақадиган кимса ҳам эмасман. Кўринишим дағалроқ... Аммо, юрагим пок... Сиз билмайсиз, турмушга чиқмасингиздан аввал ҳам ойимлар совчиликка борган эдилар, «савдогарлик ҳам касбми?..» дейишибди. Шунга қарамасдан адамлар сизларни кўп жонли, катта оила деб, қўшнимизнинг сотиладиган сигирини арзон баҳога олиб берганлар. Адамларга буни мен айтган эдим. Мен, Маъсудахон, бой кишиман, бунч сиздан яширмайман. Шаҳар ичида икки магазиним бор, пул оборотим катта... Пишиқ ғиштдан икки қаватли вилла қурганман. Хоҳласангиз кўрсатаман: ичи ўймакор ганчин, нақ қошларга катта пул бериб, музейга айлантирдим. Келажак авлодимга ёдгорлик бўлиб қолади. Қадимги Орифхўжабойнинг ғиштин уйлари, Тўхтабойваччанинг масжиди қад кўтариб, ҳозир ҳам халқимиз корига ярамоқда... Мен кўп гапириб юбордим, кечирим сўрайман.

Шу лаҳза машина институт дарбозасига етиб, эшик очиб чиққан Болтабой, иззат билан ундан Маъсудахонни туширди.

— Буни олинг! — деди яна Маъсудахон.

— Йўқ, сизга! Менинг юракдан таклифим, сўзларим ёқмаса ҳам майли. Тегмасангиз ҳам майли. У сизга! Қайтариб олмайман! Сизга атаган эдим, номардлик қилмайман! Барибир уйингизга онамни совчиликка юбораман! Хайр! — Машина ғувва жўнади.

Дўндуқчанинг боши қотди. Кун бўйи ўйлади. Эртасига ҳам ўйлади. Бу ишни ортиқ сир сақламай, онасига ҳам айтди: Ўзукни ҳам кўрсатди. Онасининг негадир ҳаммаҳалласига мойилроқ эканини фаҳмлади. Ҳар замон, ҳар замон қўлидаги бриллиант кўзли узукка қараб қўярди. «Бурни шолғомдек» Болтабой унинг кўзига жуда ҳам хунук бўлиб кўринмади. Пул инсонни чиройлик ҳам қилади. Катта опаси ҳам Болтабойни ҳимоя қилди. «Ҳар қандай соҳибжамол ҳам бир умр айшу фароғатда яшаб, ўзлигини таманно этабермайди, зерикади, оналикни қўмсайди. Бу дунёда она бўлишдан ҳам шарафли ва муқаддас иш борми! Пайғамбаримиз ҳам ўз Ҳадиси шарифларида онани улуғлаганлар...». Яқинда ўқиган китобидаги бу сатрлар ёдига тушди.

Ҳар кимда ҳар хил одат, Маъсудахон ўзига атру одеколон сепиб, ҳадеб соқолини қиртишлаб юрадиган йигитларни ёқтирмасди; инсон бўлгандан кейин ундан инсоний ҳид келиши керак. Болтабой ака қўполроқ бўлса ҳам ақллик ва бой. Миллионер... Йўқ, миллиардер... Ғайратли ва доно одамлар бой бўладилар. Бой бўлгандан кейин киши чиройли ҳам бўлиб кетади. Ҳа, пул кишини чиройли қилади. Лабига қўнган пашшани ҳайдашга ҳам эринадиган ялқовлар бой бўлмайди. Илгариги эри билан икки ойча турди; у доимо соқолини қиртишлаб, лабида сигарета, баъзан сақич чайнаб, кавш қайтариб, замонавий бўлиб юрарди. Баъзан чўнтагида ҳемири ҳам пули бўлмас, қариндош-уруғларникига бориб, овқатланиб келарди. Лекин димоғ осмонда, ҳеч кимсани назар-писанд қилмас, Ғарбда шундай... эмиш. Баъзан қилдан қийиқ ахтариб, тез-тез жанжаллашишар, биров билан кўришса албатта қўлини одеколон билан артар, трамвай-троллейбусга чиққанида рўмолчаси билан тутқичларни ушларди. Ҳамма нарсадан ҳазар қиларди. Бунчалик озода-ю олифталик жонига тегиб кетган. Ҳатто бир куни жанжалга аралашган тоғаси: «Ҳой, бола, ит бўлсанг бўлу лекин ҳозирги беибо кимсаларга ўхшама! Қўлига атр суриб ҳидлайдиган олифталарга ўхшама», деб бақирган эди.

Бир ҳафтага чўзилган ўйлаш, оилавий кенгаш, маслаҳат, фикрлар талашидан кейин у Болтабойга турмушга чиқишга розилик берди. Тез орада тўю томоша ҳам бўлиб ўтди...

Ўз ҳисобидан ўн кунга таътил олган Дўндуқча келин бўлиб, тилло-ю марваридларга ўралиб, яшнаб, яна институтга келди. Унинг тўйида Насриддинбек билан ораларидаги «роман»дан бехабар директор ва яна икки киши қатнашган экан. Буёқда «беш куни кам куёв» бўлиб юрган доктор Насриддинбек бирдан ҳамма гапдан воқиф бўлиб, боши айланиб, кўзи тиниб, ўз лабораториясига кириб кетди. Қанча аҳду паймонлар, ишончу роз, дил сўзларини пулу олтинлар ютиб юборганини пайқаган Насриддин ўз кабинетида сарнигун ўтирарди. У пешонасига бир шапалоқ урди, шўрлик пешонам шундай экан деб, йиғлади... Кейин доимо берк турадиган ойнаванд шкаф ичидаги колбадан қандайдир бир сувни, «кальций кислотаси» бўлса керак, стаканга қуйиб, стол устига қўйди. Бирдан кўз олди қоронғулашиб кетди: «Ҳей, Дўндуқча! Дўндуқча!..» деди. Бир лаҳзадан сўнг стаканга қўл узатаётган эди, кўз олдидаги қоронғуликда чироқ ёнгандек бўлиб, дока рўмол ўраган кекса онаизор пайдо бўлди. Насриддинбек таажжубланди; бу нима? Тушми кўряптими? Қулоғига бир нидо эшитилгандек бўлди ҳам: «Ҳо-о-й, болам, истакондан қўлингни торт! Сен бундай ғаму андуҳларни, дил азобларини энди кўрибсанми! Турмушда не-не ишлар бўлмайди, болам! Сабр-қаноат қил, ёлғиз Оллоҳимга сиғин! Илоҳо сенинг ҳам йўлинг очилсин! Оллоҳу акбар!».

Доктор Насриддинбек стакандан қўл тортди. Аммо иш охиригача хаёл гирдобида ғарқ бўлиб, кейин алам юкини орқалаб, уйига қайтди.

Мирмуҳсин,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ДЎНДУҚЧА

ҲИКОЯ

— Ҳовлингиз қаерда, Маъсудахон?

— Узоқ, — деди у Насриддинбекка табассум ила боқиб, —марказда турадиганларга ҳавасим келади.

— Буни ҳал қилиш қийин эмас, — деди Насриддинбек Дўндуқчанинг қўлини ушлаб. Электр токи ургандек унинг бутун вужуди жимирлашиб кетди. У ахир яқин ўн йиллардан бўён бironта аёл билан бунчалик юракдан суҳбатлашган эмас. Маъсудахон тиззаси устидаги гулдастага боқди: «бир йилча марказда турдим, турмушимиз келишмай ажралишдик...» деган сўзни қўнглидан ўтказдию аммо тилига чиқаролмади.

Зал қоронғулашди. Фильм бошланди. Уларнинг нигоҳлари фильмда эди-ю хаёллар бир-бирларида. Насриддинбек бир умр излаган кишисини топгандек, Дўндуқча қўлини ушлаб қўйиб юбормай силар, елкасини елкасига тираб, ҳатто бу қоронғуликдан фойдаланиб қучишга, лабларидан ўпишга ҳам шай эди...

Кино тугагач, Насриддинбек такси тўхтатиб, Дўндуқчани уйигача кузатиб қўйди. Маҳаллага киришди, тавба, яна ўша бурни шолғом кимса пайдо бўлиб, ҳўмрайиб қараб ўтиб кетди. Биров билан бировнинг нима иши бор, деди Насриддинбек. Дарҳақиқат Дўндуқчанинг ҳовлиси қадимий Белтепа томондаги маҳаллалардан бирида экан. Унинг илтимосига кўра Насриддинбек машинада, ташқарига чиқмай ичкарида хайрлашишди.

Орадан бирон ҳафта ўтгач улар катта бир зиёфатда ҳам бирга бўлишди, бу сафар ҳам Насриддинбек севгилисига гул тақдим этди. Кейинги ҳафтада театрга боришди, яна гул... Йўл-йўлакай у Дўндуқчага мурожаат этиб, эрта-индин онаси уларникига — совчиликка боришини маълум қилди. Дарҳақиқат тўй тайёргарлиги бошланиб кетган эди.

Ҳар кунги одатдек Дўндуқча эрта билан ишга шай бўлиб автобус бекатида турарди. Кўп ўтмай қандайдир бир «Мерседес» — хорижий машина ёнгинасида ғийқ тўхтаб, ундан гавдали, йўғон бир йигит чиқиб, Дўндуқчага яқинлашди.

— Ассалому алайкум! Марҳамат, Маъсудахон, машинага чиқинг! Мен, институтингиз ёнидан ўтаман. Сизни ташлаб кетаман. Мен — маҳаллангиздаги Саидали аканинг ўғлиман. Танисангиз керак?

— Йўқ, раҳмат.

— Қийналиб, туртиниб нима қиласиз, ўн минутда институтда бўласиз. Автобусга чиқсангиз битта ҳам тугмангиз қолмайди.

— Майли. Безовта бўлманг...

— Кўрқманг, Маъсудахон, мен ҳаммаҳаллангизман.

Дўндуқча бир лаҳза тортиниб, уялинқираб турди-да, кейин машина сари қадам ташлади. Машинанинг орқа креслосига ўтирди.

Орадан бир неча ой ўтиб, Дўндуқчанинг ҳаёлига ҳеч ким келмаган, ҳеч ким ўйламаган ҳодиса рўй берди. Ҳеч ким ўйламаган ҳодиса ҳеч ким ўйламаган вақтда, ҳеч ким ўйламаган жойда